



Маликов Тохир Сатторович,
ТМИ “Молия” илмий мактаби раҳбари,
иқтисод фанлари доктори, профессор
Тошкент, Ўзбекистон

Каримов Акрам Аббасович,
ТМИ “Бухгалтерия ҳисоби” илмий мактаби раҳбари,
иқтисод фанлари доктори, профессор
Тошкент, Ўзбекистон

“ҲИСОБ” = “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ”. ТЕНГЛИК ЎРИНЛИМИ?!

Иқтисодий илмнинг алоҳида, муҳим ва нисбатан мустақил соҳаси ҳисобланган “Бухгалтерия ҳисоби”га тегишли бўлган муаммони ёритища икки ёрти бир бутун бўлиб ва бир ёқадан бош чиқариб, маслаҳатлашиб сарлавҳани шу шакл ва мазмунда қўйишга қўйдик-у, лекин иккаламиз ҳам бир-биримизга боғлиқ бўлмаган ва билдиримаган ҳолда бироз эмас, балки яхшигина ўйланиб қолдик. Зеро, биримиз бутун умри давомида, жумладан, “Бухгалтерия ҳисоби” фани бўйича билим бериб келаётган бўлсак, иккинчимиз эса, ўзга “Молия” соҳасининг мутахассиси бўлишига қарамасдан қарийб сўнгги 30 йил давомида, хусусан, таркибида “Молия, пул муомласи ва кредит” ҳамда “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтиносликларини ўз ичига олган бир неча олий таълим даргоҳлари (Президент ҳузуридаги академия, Банк-молия академияси, Тошкент Давлат иқтисод университети, Тошкент Молия институти, Тошкент Кимё ҳалқароо университети)даги Бирлашган илмий (ихтинослашган) кенгашларнинг аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган бўлишимизга қарамасдан нега ушбу мақола доирасида ҳозир айтиётган фикрларимизни олдин айтмадик? Ахир ўзимиз ҳам, ҳамма қатори, китоб (дарслик, ўқув қўлланма, монография)ларимиз ва мақолаларимиз-у, илмий тезисларимизда бу масалага эътибор бермасдан худди шундай ёзган эдик-ку! Турли давра (илмий кенгаш, семинар, конференция, давра сұхбатлари

ва ҳ.к.)ларда эшитганимизда ҳам бу нарса назаримиздан четда қолавермаганмиди? Ахир шундай бўлди-ку! Буни инкор этиб бўладими? Йўқ, албатта! Унда бугунги кунга келиб бу “масала”га ҳаммани ҳайрон-у, лол қолдириб ёки ажаблантириб, нега ўзгача тарзда ёндашаётирмиз?...

Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Уларни бир сўз билан қисқача ифодалаб бўлмайди. Шу боис бизнинг бугунги кунга келиб бундай иш тутаётганимизни билишни истаганлардан (ҳақиқий илм аҳли шундай бўлиши ҳам турган гап) қуйида баён қилинган бизнинг ушбу “позиция”мизга эътибор беришларини сўрардик. Биз учун энг муҳими – ҳақ (ҳақиқат)ни анг(аниқ)лаш. Фанимиз тараққиёти йўлида холисона хизмат қилиш ҳам шундай ниятларимиздан – бири. Булардан ўзга ниятимиз – йўқ. Марҳамат, батафсил танишиб чиқишига ҳаракат қилинг-чи, қандай хulosаларга келар экансиз? Улар бизнинг ҳақ эканлигимизни аниқлаш (тасдиқлаш) ва фанимиз равнақига хизмат қилса, не ажаб?!...

Ҳар қандай илм-фан тараққиёти, аввало, унинг – аниқлигида! Тўғрими? Ўйламанг, бу биз муаллифларнинг – “фалсафа”миз эмас. У умумэътироф этилган – “фалсафа”. Уни рад этгувчилар ҳақиқий илм-фан “олам”ида – йўқ. Бироқ, афсуски, бундай “олам”да фақат “ҳақиқий”лар зиё нурларини тарқатиш билан банд эмас. Ҳаётнинг кўрсатишича, шундай кайфият (ният)да бўлган, узр, “сохта”лар-у, “қалбаки”, “курмак”лар ҳам – шу ерда. Бошқа томонларини қўйиб турайлик-у, уларнинг ҳатто оддийгина “ЭЪТИБОРСИЗ”ликни ўзларига шиор қилиб олганликлари – ҳар қандай фанимиз фожеаси!

Илм-фан тараққиётининг кушандаси сифатида майдонга чиқаётган ва ноаниқликнинг бир кўриниши сифатида ифодаланаётган эътиборсизликнинг мавсумий эмас, балки доимийлик касб этиб, ҳанузгача давом этиб келаётганлиги, бизнингча, унга нисбатан кескин курашнинг бошлаб юбориш лозимлигини тақозо этмоқда. Зоро, кузатувларимизга (бу ўринда биз тегишли аник далил-у, аргументларни қаторлаштириб ташлаш имкониятига эга бўлишимизга қарамасдан, ўзбекчилик қилиб, андишага бориб, ҳозирча шундай иш (йўл) тутишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шу боис, олдиндан

айтиб қўяйлик: таъкидланаётган фикрларимизни муаллифлар қуруқ ёки асосиз фантазиясининг маҳсули дегувчилар қаттиқ адашадилар. Зарурият бўлса, буни биз сон-саноқсиз варианtlарда исботлаб бериш имкониятига ҳам эгамиз) кўра, мустақиллигимиз шарофати ила тақдим этилган имкониятлар, баъзи бир субъектив сабабларга кўра, эътиборсизлик натижасида йўл қўйилаётган шундай ноаниқликларни (булар айниқса, кейинги 20 йилликда жуда кўпайиб кетди) келтириб чиқармоқдаки, жумладан, улар иқтисодий фанлар тараққиётининг касофати (кушандаси)га айланмоқда. Бу, айниқса, иқтисодий фанлар орасида муҳим ўринга эга бўлган “Бухгалтерия ҳисоби”да ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Энг ачинарли жойи шундаки, бу фан замонавий “намоёнда”ларининг, яна бир бор узр, эътиборсизлиги ва баъзи-бировларининг “оқ фотиҳа”си туфайли “Бухгалтерия ҳисоби” номига эга бўлган фан сунъий равишда ва ҳеч қандай асосларсиз ифодаланиши ва мазмунига қўра “Ҳисоб” деб номланувчи фанга айланиб бормоқда. Ажабланманг! Фаннинг ташқи кўриниши ва номланиши – жойида. Унга атаб чиқарилган дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамон “Бухгалтерия ҳисоби” деб номланиб келинаётир. Лекин уларнинг “ичи” – “чатоқ”. Зеро, “ичкари”да “бухгалтерия ҳисоби” деган жумлани топиш – анқонинг уруғини топиш билан баробар. Фақат матнда эмас, балки боблар ва параграфларнинг номланишида ҳам – шу аҳвол. Чунки бу ерларда бошдан оёқ, ифодали қилиб айтадиган бўлсак, “Ленин деганда – партия, партия деганда – Ленин”ни тушунамиз “принцип”ига амал қилиниб келинмоқда.

Масалан, эътибор беринг-а: а) “асосий восита (капитал)лар(нинг) бухгалтерия ҳисоби” “асосий восита (капитал)лар ҳисоби”; б) “ишлаб чиқариш харажатлари(нинг) бухгалтерия ҳисоби” “ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби”; в) “иш ҳақи(нинг) бухгалтерия ҳисоби” “иш ҳақи ҳисоби”; г) “таннарх(нинг) бухгалтерия ҳисоби” “таннарх ҳисоби” ва ҳ.к. деб юритилади. “Масала” шу даражага етиб бордики, ҳатто “Ишлаб чиқаришдаги бухгалтерия ҳисоби”ни ҳам “ишлаб чиқариш ҳисоби” дея атаётимиз.

Нега бу тарзда иш тутаётирмиз? Ахир “ҳисоб” билан “бухгалтерия ҳисоби” ўртасида фарқ йўқми? Улар ўртасида баробар(тенг)лик белгисини қўйиш мумкинми?

Ҳатто сиртдан қараганда ҳам бундай йўл тутишнинг нотўғри эканлиги маълум-ку! Ҳеч бўлмагандан математик тилда ифодалаганимизда ҳам уни “ҳисоб” > “бухгалтерия ҳисоби” тарзида ифодаланиши мутлақо аниқ эмасми? Бундан “бухгалтерия ҳисоби”нинг “ҳисоб”нинг бир қисми эканлиги келиб чиқмайдими? Ахир “ҳисоб” фақат “бухгалтерия ҳисоби”дан иборат эмаслигини озроқ мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай киши (деярли кўпчилик) билади-ку! “Ҳисоб”нинг “бухгалтерия ҳисоби”дан ташқари бошқа кўришлари ҳам мавжуд эмасми? Масалан, оддий ёки ҳеч қандай маҳсус тайёргарликсиз тарзда айтадиган бўлсак, оператив ҳисоб, статистик ҳисоб, математик ҳисоб, функциональ ҳисоб, натураль ҳисоб ёки қиймат ҳисоби ҳам “ҳисоб”нинг турли-туман кўринишлари-ку!...

Ёки “бухгалтерия ҳисоби” “ҳисоб” деб юритилишининг бирор-бир бошқа афзал жиҳатлари бор эканми? Бизнингча, унинг битта сўзни иқтисод қилингандигидан бошқа шундай томонлари йўқ. Лекин бу ерда бир сўзнинг иқтисод қилингандиги, назаримизда, фойдага эмас, балки зааррга “ўйнайди”. Бунинг натижасида, жуда кўп ҳолларда, ноаниқлик ёки мавхумликлар келиб чиқадики, улар сиз-у, бизни кўзланган мақсадлар сари етакламайди. Баъзи ҳолларда эса унинг келтирган заарини пулга чақиб ҳам бўлмайди...

Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида ўтказган “сўровнома”миз ҳам бизни ишонтира оладиган натижаларни бермади. Мана уларнинг айримлари: а) “...и-я, буни ўйлаб кўрмабмиз-ку!” (бу шу соҳа мутахассислари бўлган жуда кўпчиликнинг жавоби); б) “бу бошни шу даражада қотирадиган жиддий масала эмас” (бу ўзини шу соҳанинг “олим”и деб санайдиган айримларнинг “аргумент”и); в) “китобнинг номи “Бухгалтерия ҳисоби” деб номланганидан сўнг шунинг ўзи етарли, унинг “ичи”да ҳадеб “бухгалтерия ҳисоби” деб такрорлайвериш шарт эмас. Бунинг ўрнига “ҳисоб” сўзини ишлатишнинг ўзи етарли” (бу “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва

аудит” ихтисослигига ўз ўрнига эга бўлган кўплаб олимларнинг фикри); г) ““Бухгалтерия ҳисоби”даги “ҳисоб”нинг ўрнига “бухгалтерия ҳисоби”ни ишлатишнинг ҳали мавриди келмаган” (бу олдинги бандда қайд этилган ихтисосликда қўпчилик томонидан тан олинган ва ҳурматга сазовор бўлган инсонлардан бирининг қарashi) ва ҳ.к.

Бизнинг назаримизда, юқоридаги жавобларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри, асосли ёки асоссиз, жиддий ёки ножиддийлигини аниқлаш унча катта ақл талаб этмайди. Афсуски, уларнинг бирортасини ҳам тўғри, асосли ёки жиддий деб қабул қилишининг иложи йўқ. Чунки уларнинг ҳар бири, ҳатто сиртдан бериладиган, кучсизгина мантиқий “зарба”га ҳам чидаш беролмайди.

Масалан, шу “масала”да энг кўп тарқалган ва юқоридаги “в” бандда келтирилган қўпчилик фикрларининг қанчалик тўғри эканлигига озроққина эътибор берайлик-чи, қандай “манзара”нинг гувоҳи бўлар эканмиз? Кўриниб турганидек, бу ўринда “бухгалтерия ҳисоби”нинг “ҳисоб” деб юритилишининг ҳеч қандай “хавотир”га ўрин йўқлигига асосий “аргумент” сифатида “китобнинг номи “Бухгалтерия ҳисоби” деб номланганидан сўнг шунинг ўзи етарли, унинг “ичи”да ҳадеб “бухгалтерия ҳисоби” деб такрорлайвериш шарт эмас. Бунинг ўрнига “ҳисоб” сўзини ишлатишнинг ўзи етарли” тарзида ифодаланган “далил” келтирилмоқда. Наҳотки, бу тарзда билдирилган фикрни асосли ёки ўринли дейиш мумкин бўлса? Ахир бу, энг оддий тарзда, “ичи” оқ бўлган нарсани “қора” ёки аксинча деб аташ билан баробар эмасми? Наҳотки, бундай “позиция”ни қўллаб-куватлаб, унга эргашишнинг иложи бўлса? Ахир, ҳатто ўрта мактабда ҳам, масалан, “ичи” органик кимёдан иборат бўлган “китоб” “Органик кимё” деб номланган. Унга “Анорганик кимё” деб ном қўйилмаган. Ёки “ичи” геометрик фигуralарни ўрганишга бағишлиланган фаннинг номи “Тригонометрия” эмас, балки “Геометрия”дир. Худди шунингдек, “Ботаника”да ўсимлик, “Зоология”да эса ҳайвонот дунёси ўрганилади-ку! Уларнинг “ичи” билан “усти” бир хил. Шундай эмасми?! Наҳотки, шу оддийгина ҳақиқатни англаб олишга биз “муҳтарам зот”лар шунчалик ожизлик қилсак ва йўл қўйилган хатоликни тан олиб, уни тузатиш



қўлимиздан келмаса?! Ҳолбуки, бу ўринларда гап тузатилиши ўта мураккаб бўлган, катта меҳнат-у, юксак ақл-заковат талаб қиласидиган “муаммо”ни ҳал қилиш тўғрисида кетаётгани йўқ. Бор-йўғи, “Бухгалтерия ҳисоби” фанининг “ичи”да тегишли жойларда ўринсиз “шишириб”, асоссиз кенгайтирилиб ва нотўғри ишлатилган “ҳисоб” сўзининг ўрнига “бухгалтерия ҳисоби” сўзини “кўйиш” тўғрисида кетаёттир! Ахир, йўл қўйилган хатони тан олиш ва уни тузатиш мардларнинг иши эмасми?!...

Фикримизча, анчадан буён (Шўролар давридан бери) амалиёт ва илмий доираларда, кези келган ҳолларда сира тап тортмасдан ва хотиржамлик билан “бухгалтерия ҳисоби” “ҳисоб” деб юритилишининг ўзига хос сабаби бор. Эсингиздами? Шўролар даврида В.И.Лениннинг бу борада “Социализи – это, прежде всего, учёт!”, - деган машҳур гапи бор эди. Уни биз ўзбекчага, дастлаб, “Социализм – бу, энг аввало, учёт демакдир!”, - дея талқин (таржима) қиласиди. Табиийки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилши ва мустақиллик шарофати ила у “Социализм – бу, энг аввало, ҳисоб демакдир!” кўринишини олди.

Буни ўз даврида “Бухгалтерия ҳисоби” бўйича мутахассислар (айниқса, олим-у, уламолар) бу фикр айтилганда В.И.Ленин, энг аввало, “бухгалтерия ҳисоби”ни назарда тутган, деб талқин қилишганди. Бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти тўғрисида гап кетганда такрор ва такрор шу сўзларга мурожаат қилиниб, “исбот”лаб бериларди. Бошқа иқтисодчиларнинг бунга бирор-бир тарзда эътиroz билдиришганини биз эслолмаймиз. Ўша давр иқтисодий манбаларининг бирортасида ҳам бундай эътиroz мавжуд эмас. Хуллас, ўз даврида бу фикрнинг кимга ёки нимага тегишли эканлиги борасидаги “улоқ”ни, ўз даврида, бухгалтер-иқтисодчилар олиб кетишганди. Шу боис, “бухгалтерия ҳисоби”нинг ўрнига “ҳисоб”ни ишлатиш одатий тусга кирган эди ва улар ўртасида баробарлик белгиси қўйилганди. Масаланинг сиёсий жиҳати борлиги учун Шўролар даврида бу айнан шу тарзда барча жойларда ифодаланаверди. Бу, ўз навбатида, шу йўналишдаги, жумладан, дарслик ва ўкув қўлланмаларида ҳам акс этди. Ҳатто маҳсус илмий изланиш натижага

ларида ҳам (жумладан, иқтисод фанлари номзоди ёки иқтисод фанлари доктори илмий даражаларини олишга қаратилган диссертация ишларида ҳам) бунга жиддий эътибор берилмади.

Афсуски, “муаммо”нинг “сиёсий жиҳати” аллақачон тарих саҳнасидан тушиб кетган бўлишига қарамасдан бу ўз инерцияси билан давом этиб келаверди ва ҳамон давом этмоқда. Ҳатто кези келганда ҳам бухгалтер-иқтисодчилар орасида “Энди тегишли жойларда ҳар бир нарсани ўз номи билан атаб, “хисоб”нинг ўрнига “бухгалтерия хисоби”ни ишлатиш керак!”,- дейдиган мардлар ҳамон топилмаётир. Нокамтарликка йўймайлик-у, ушбу мақоламиз бу йўналишдаги биринчи уринишдир, холос.

Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши керак эмасми? Ахир бу исбот талаб этмайдиган аксиомалардан бири-ку! Наҳотки, ўз номи билан аталмасликнинг оқибати барибир ёмон бўлиши мумкинлигини идрок этолмасак? Оддийгина тасаввур қилинг: Буюк Темурни ёки Буюк Пётрни шундай атамасдан, узр, “Темурвой” ёки “Петка” деб атадик. Бунинг охир-оқибати нима билан тугаши мумкинлигини кўз олдимизга келтира оламиз-ку! Ҳатто ўрта мактаб дарсликлари ёки ўқув қўлланмаларида ҳам олий таълимдагидек хатолиги аниқ бўлган ноаниқликларга йўл қўйилмаётган бир пайтда буни қандай тушуниш мумкин?!...

Бунинг устига, Буюк Темур ёки Буюк Пётрларнинг ўз-ўзларини “Темурвой” ёки “Петка” деб атаганини қаерда кўрганмиз? Ёки тескариси Темирвой ёки Петка “Мен Буюк Темурман!” ёки “Мен Буюк Пётрман!” дейиши мумкинми? Худди шундай ўз номи “Бухгалтерия хисоби” бўлган фан “ичи”да ҳар қадамда “Мен “Хисоб”ман!”,- дея олиш ҳуқуқига эгами?! Бу нақадар, маъзур тутасиз, бемаънилик-у, мантиқсизликдан дарак эмасми? Йўл қўйилган ва ҳамон йўл қўйилиб келинаётган бу катта ақл ва меҳнат талаб этмайдиган элементар хатоликни ким тузатади? Олимлик мақомидаги Сиз-у, биз эмасми? Ёки буни келгуси авлодларга қолдирамизми? Хатоликнинг йўл қўйилганлигини билиб (сезиб) туриб, уни тузатмаслик гуноҳи-азим эканлигини биламиз-ку! Ахир йўл қўйилган ушбу хатолик фан оламида бундан-да

каттароқ хатоликлар келтириб чиқариши мүмкін эмаслигига ким кафолат беради? Ҳеч ким!...

Бунинг устига, шундай ҳолат ҳозирнинг ўзидаёқ содир бўлаётир ҳам. Зеро, “бухгалтерия ҳисоби”ни “ҳисоб” деб юритишга кўникиб қолганлигимиз, яна бошқа “фалокат”ларни ҳам келтириб чиқаришда давом этмоқда. Жумладан, бозор муносабатларининг ривожланиши, глобаллашув ва интеграцион жараёнларнинг кучайиши “Бухгалтерия ҳисоби” фани доирасида илмий муомалага “бошқарув ҳисоби”, “молиявий ҳисоб”, “солиқ ҳисоби” каби тушунчаларнинг кириб келишига сабаб бўлди ва уларнинг ҳар бири, нисбатан бўлса-да, мустақил фан даражасигача кўтарилди. Бироқ, бу ерда ҳам яна ўша ноаниқлик ёки мавҳумлик хукм сурмоқда. Зеро, сиртдан қараганда, уларнинг нимага, яъни “Бухгалтерия ҳисоби”гами ёки “Ҳисоб”га тегишли эканлигини аниқлаш – қийин, ҳеч бўлмагандан – мунозарали. Шу номланишда, сиртдан қаралганда, шак-шубҳасиз, улар кўпроқ “Бухгалтерия ҳисоби”дан кўра “Ҳисоб”га “тортади”. Ҳолбуки, бу янги фанларнинг “ичи”дан, яъни мазмунидан келиб чиқиладиган бўлса, улар, мос равишда, “Бошқарув бухгалтерия ҳисоби”, “Молиявий бухгалтерия ҳисоби” ва “Солиқий бухгалтерия ҳисоби” (бу жойда “солиқий”ни кўриб, ажабланманг. Ҳеч бўлмагандан, “молиявий” ўринли бўлганидан сўнг нега энди “солиқий” ўринсиз ёки баъзи бирорлар айтиши мүмкін бўлганидек ажабланарли бўлиши керак?) деб номланиши керак...

Яна бир фикр: “бухгалтерия ҳисоби”нинг “нонини еб юрган”лар аслида қайси сўз ёки иборани кўпроқ ишлатишлари керак? “Бухгалтерия ҳисоби”-ними ёки “ҳисоб”ни? Жавоб, узр, “Кўрга – ҳассадек!”дек аниқ эмасми? Албатта, “бухгалтерия ҳисоби”ни-да! Нега бунга риоя қилмаймиз? Ёки “бухгалтерия ҳисоби” деган ибора меъдамизга тегиб кетганми? У шундай тегиб кетиши мүмкинми? Ёки у қулоғимизни “арра”лайдими? Ахир ҳатто қўнғиз ҳам ўзининг қоп-қора фарзандини “Оппоғим!”, - деб турганда, бухгалтер-иқтисодчи ва шу соҳа иқтисодчи-олимларининг “бухгалтерия ҳисоби”ни “ҳисоб” деб турганини қандай тушуниш мүмкін? Шу тарзда фикр



юритадиган бўлсак, бу ўз фанимизга, кечирасиз, хиёнат қилаётганимиздан дарак бермайдими?...

Хуллас, бизнингча, “бухгалтерия ҳисоби” тўғрисида гап кетаётган бўлса, уни ўз номи билан шундай аташимиз керак. Бунинг фурсати аллақачон келган. Уни “ҳисоб” даражасигача асоссиз ва нотўғри талқин қилиб, кўтармайлик. Шундай қилсак, ҳеч бўлмаганда, “а”ни кўриб, уни “ a^2 ” деб атамасдан, савобга қолишимиз – тайнин...

Ва ниҳоят, бу гап (фикр)ларни кимдир, қачонлардир айт (билдириши)ни керак эди. Биздан бўлмаса, кимлардандир шу гап (фикр)лар, барибир, чиқарди. Назаримизда, бизнинг “айб”имиз шуки, бу ишни ўзгаларга қолдирмадик. Уни ўзимиз бажардик. “Айб”имиз – шу бўлса, бизни маъзур тутгайсиз. Ва бу борада бизнинг охирги (сўнгти) ўтинчимиз: “Ҳисоб” = “Бухгалтерия ҳисоби” кўринишидаги “тенглик”нинг нотўғри эканлигини, тан бериб, эътироф этайлик. Математикада бўлганидек, “ҳисоб” = “ҳисоб» ва “бухгалтерия ҳисоби” = “бухгалтерия ҳисоби” тенглигига ҳамда “ҳисоб” > “бухгалтерия ҳисоби” тенгсизлигига қатъий риоя этайлик. Шунда бу бора (соҳа)даги илм оламимиз ҳам, ҳеч бўлмаганда шу жойида, албатта, гулистон бўлгай!...

Сиз нима дейсиз ?.....